

ИНСОН ВА ҚОНУН

Адолат ҳар ишда
ҳамроҳимиз ва
дастуримиз
бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz | 2016 йил 27 сентябрь • сешанба № 37 (1033)

Сайлов — 2016



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

ПОЙТАХТИМИЗДА Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда сиёсий партиялар вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 24-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 2016 йилги Президент сайловида иштирок этиш учун сиёсий партияларнинг тақдим этилган аризалари ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари рўйхатга олинганлик гувоҳномаларини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини берди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Комиссия аъзолари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясининг боришига бағишланган брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сайловга тайёргарлик ишлари қонунчилик талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тadbirkorлар дастури асосида изчил олиб борилаётганини қайд этди.

Сайлов кампанияси қизгин паллага кириб бормоқда, сайловда иштирок этувчи партиялар аниқланди, уларга имзо варақалари бланкалари берилди. Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловда тadbirkorларида тўплашга ҳақли.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга 2015 йил 29 декабрда киритилган ўзгаришларга мувофиқ сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилар умумий сонининг 5 фоизидан 1 фоизгача камайтирилди. Бу 214 минг 350 нафар сайловчи имзосини ташкил этди.

Бу имзолар қаида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намоёнаси бўлган сайловчиларни қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Анжуманда журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тузилганлиги ҳақида хабардор қилинди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 56,6 фоизи аввалги сайловларда амалий тажриба тўплаган, жамиятимизнинг обрўли вакиллари дидир. Комиссия аъзоларининг 56 нафари, яъни 36,8 фоизи хотин-қизлардир, уларнинг 12 нафари эса сайлов комиссияларининг раҳбариятидан жой эгаллаган.

Бутун сайлов кампанияси ошқоралик ва очиқлик тамойиллари асосида олиб борилмоқда. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон", "Uzreport" ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ўртасида икки томонлама битимлар имзоланди.

Республика матбуот маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларининг қарийб 400 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси каби нуфузли халқаро тузилмаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклифномалар юборилгани маълум қилинди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

Нигоҳ

ЎТГАН асрнинг саксонинчи йиллари адоғи — тўқсонинчи йилларнинг бошларида дунёда, мамлакатимизда, ён-атрофимизда, ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда кечган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар, янгилик ва эскичи қарашлар тўқнашуви, мустақил тузумнинг парчаланиши, қизил мафкура тамойилларининг таназзули мағзи пуч ҳар қандай гоининг умри қисқа эканлигини яна бир бор намоён этди. Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган, миллий ривожланиш ва тараққиёт йўлини аниқ-равшан белгилаб олган бўлса-да, бир лаҳза бўлсин хотиржамликка берилиш, бирор бир соҳани эътиборсиз қолдириш мумкин эмасди. Катта авлод оғ-шурғига мустақам синган бу ҳақиқатдан бугунги ва келажак авлодлар нечоғлик яхши хабардор бўлсалар айни мурда бўлур эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти. Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли китобини мутолаа қилган киши кўз ўнгига мустақил мамлакатимиз истиқлолининг мураккаб ва жонли тарихи, бу улуг неъматга эришиш йўлида олиб борилган қатъиятли курашлар, давлатимиз раҳбарининг жасоратли,

узққни кўзловчи серқирра фаолияти, собиқ тузум шароитидаёқ юртимизда мустақиллик гоисининг шаклланиши, бу қадим орзунинг амалга ошиши қандай кечгани бугуннинг ўзида миллат тарихига бевосита дахлдор бўлиб қолган ноб ҳужжатлар, аниқ ва таъсирчан фактлар, ҳаяжонли нутқ ва маърузалар мисолида ёрқин намоён бўлади.

Вақт аёвсиз равишда ўтиб бормоқда. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида туғилган йигит-қизлар бугун янги жамиятимизнинг баркамол авлоди, умид ва ишончи бўлиб воёга етишди. Ушбу асар яқин ўтмишимизнинг ишончли, ноб ва таъсирчан манбаси сифатида бугунги авлодини, уларнинг орқасидан келаятган навоқирон ўғил-қизларимизни, озод ва

обод дийримиз шон-шавкатини янада оширишга, миллат руҳини кўтаришга қодир фарзандларимизни она Ванга муҳаббат, истиқлол гоияларига садоқат руҳида тарбиялашда тенгсиз аҳамиятга эга, десак, мулолаға бўлмайди.

Тарих китобларидан маълумки, узққ ва оғир курашлар ҳисобига кўлаб халқлар босқинчилар зулмидан

озод бўлиб, мустақилликка эришганлар, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бу муваффақиятни сақлаб қололмаганлар. Мазкур асарда мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки қадамлари нақадар оғир кечгани, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адоғида Фаргона, Гулистон, Бўка, Ўш, Наманганда юз берган ноҳуш воқеалар, собиқ иттифоқлараст куллар томонидан

амалга оширилган "ГКЧП" деб номланган сиёсий фитна пайтида Ўзбекистонда ақл-идрок билан иш тутилгани, ҳар бир қарор халқимизнинг миллий манфаатларига мос равишда қабул қилингани ўз ифодасини топган. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1991 йил 31 август кuni

3

Тарихий бурилиш палласидаги жасорат



“Биз бундан буюн эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди, бошқаларнинг миннатли ёрдамига эмас, фақат ўзимизга, ўз кучимизга, халқимизнинг салоҳияти ва ирода-сига таяниб иш кўрамиз, ҳеч ким четдан келиб бизнинг муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди.”



ЁШЛАРГА
ҚАНОТ
БЎЛАЁТГАН
ЮРТ



2011 йил —
Алишер Навоий
номидаги
Ўзбекистон
Миллий
кутубхонаси
янгидан
қурилди.



2012 йил —
"Бунёдкор"
спорт
мажмуаси
қурилди.



2012 йил —
Самарқандда
"Ёшлар
маркази"
қурилди.



4 мингга яқин
ёш оилага
Камолот уйлари
тавсияномалари
берилди.

Фуқаро мурожаат қилдим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳам ўз ваколати доирасида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вазирлиқнинг Инсон ҳуқуқлари химоя қилиш бўлимига 2016 йилнинг ўтган даври давомида 300 дан ортқ мурожаатлар келиб тушган.

Мурожаатларнинг кўп қисми қаноатлантирилган. Айримларига эса амалдаги қонунчиликлар бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Масалан, Нукус шаҳар, 22-кичик туман, 2-ўй 31-хонадонда яшовчи фуқаро А.Есемуратовнинг Қорақалпоғистон кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш корхонасидан иш ҳақини ундириб беришда амалий ёрдам сўраб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида аниқланган ҳолатлар юзасидан фуқаронинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судига киритилган даъво аризага кўра фуқарога 2.043.241 сўм иш ҳақини ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқарилди.

Шу билан бирга, вазирлиқнинг инсон ҳуқуқларини химоя қилиш соҳасидаги иш режаларига асосан идораларда ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлар натижасида жами 206 тадан зиёд қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишда ва ўтказилган ўрганишлар натижасида қонунбузилиш ҳолатларини, унинг келиб чиқиш сабаблари ва унга имконият яратувчи омилларни бартараф этиш тўғрисида 11 та тақдимнома, судларга 4 та даъво ариза киритилди. Тақдимномалар натижасида 1 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган бўлса, 1 та ҳужжатнинг ижроси тўхтатилди. 1 та қарор бекор қилинди. Маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 7 та таклиф киритилиб, 3 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишининг асосий тамойилларидан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг химоя қилинишидир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш муҳим ма-сала эканлигининг асосий сабаби ҳам шунда.

Алишер АТАЖАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Адлия вазири ўринбосари

безътибор қолмаслиги шарт

Қонун кучга кирди

Ёшлар — бугунимиз, эртаимиз, келажагимиз

2016 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқуланган янги тахрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун "Соғлом она ва бола йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ижроси доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, у эртаимиз эгаларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини мустақамлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш, ушбу соҳада қўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини юксалтириш имконини беради.

Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон Каҳрамони:



— Давлат мустақиллигига эришиш оstonасида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов янги давлат ва янги жамиятни барпо этиш билан боғлиқ кун тартибидеги энг муҳим масалалардан бири сифатида, ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда уни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш вазирасини қўйди. Уша пайтда бунга объектив, ҳаётий эҳтиёж ва зарурат бор эди — 90 йилларда 20 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 43 фоизини ёшлар ташкил қилган бўлса, бугунги кунда эса мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоиздан ортигини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар бунёдкорлик салоҳиятига эга бебаҳо ресурс, мамлакат келажагининг негизини ташкил этувчи улкан қудир. Аммо мазкур салмоқли катлам юрт тақдири ва келажагини ҳал қилувчи катта кучга айланиши учун давлат даставвал уларни ижтимоий, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, ўз ҳуқуқ

ҳамда мажбуриятларини тўлақонли рўёбга чиқариши, жамиятда муносиб ўрнини топишига қулай шароит яратиши керак эди. Ўзбекистон халқининг бош мақсадига айланган ҳеч қимдан кам бўлмайдиган барқамол авлодни вояга етказиш орзусини рўёбга чиқариш мақсадида мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга устувор аҳамият қаратилди. 1997 йилда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида бирийўла иккита муҳим ҳужжат: "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Ушандаёқ Юртбошимизнинг "вақти келиб мазкур дастур ижобий маънодаги "портлаш эффеќти"га сабаб бўлади", дея билдирган ишончи бугун ўзини тўла оқламакда, дунё мамлакатлари учун андаза сифатида кўрсатилмоқда. Қонун 4 та боб ва 34 та моддадан иборат. Ҳужжатда ҳуқуқни қўллашда ишлатиладиган асосий тушунчалар берилиб, унда "ёшларга оид давлат сиёсати", "ёшлар (ёш фуқаролар)", "ёш оила", "ёш мутахассис" тушунчаларининг мазмуни очиб берилган. Ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ўрнатилган, шунингдек, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий кафолатлари белгиланган.

Ёш оила тушунчасига таъриф берилди. Унга қўра, ёш оила деганда, 30 ёшдан ошмаган эр-хотиндан ёхуд фарзанд (бола) парваришлаган ота ёки онадан иборат бўлган оила, шу жумладан, ёлғиз, бева эр (хотин) тушунилади.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари белгиланган бўлиб, унга қўра, оқиллик ва шафқатлик, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ахлоқий, маънавий ва маданий кадрларнинг устуворлиги,

ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида кўрсатиб ўтилган. Қонунда соҳага оид давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари ҳам кенг ёритилган. Хусусан, унга қўра, давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда рўёбга чиқариши таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш, жисмонан соғлом ва барқамол ёш авлодни тарбиялаш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

Гавҳар АЛИМОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:



— Истиқлол йилларида ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 200 га яқин қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Айни пайтда 22 та қонун, Президентнинг 26 та Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори ва 30 дан ортиқ идоравий-меърий ҳужжатлари амал қилмоқда. Мамлакатимиз таълим соҳасига йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялли ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётди. Жаҳон таърибасида бу кўрсаткич ўртача 3-5 фоизга тенг. Ўзбекистон давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирадиган дунёдаги санокли мамлакатлар сирасига кирди. Асосийси, ушбу улкан сармоя ҳисобига юртимизда ҳар

йили юзлаб таълим муассасалари — мактаб, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлири қайта таъмирланиб, замонавий моддий-техник базага эга бўлаётти, республикамизнинг энг узоқ қишлоқларида ҳам замонавий спорт иншоотлари қад ростламоқда.

Бугун фикр-мулоҳазаларимизни билдираётган мазкур қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариши амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар баътафсил ёритилган. Унга қўра, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан бирга, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бевоқифа қатнашадиган орган ва муассасалар тизими — рўйхати келтирилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари ва муассасалари тизимига қўйиладиган қиради: таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; маданият ва спорт ишлари бўйича органлар; меҳнат органлари; прокуратура органлари; ички ишлар органлари; адлия органлари; мудофаа ишлари бўйича органлар шулар жумласидандир.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари: ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади; таълим сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади; манфаатдор органлар ва муассасалар билан биргаликда ўрта махсус, касб-ҳуна ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигининг тахлилини амалга оширади ҳамда унинг натижалари асосида таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқади. Шу билан бирга, таълим сифатини ошириш ва ёшларни тарбиялаш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар қўради; таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўғрақлари ва ижодий тўғрақлар, клублар ташкил этади; ўз навбатида, ёшларнинг ҳуқуқий

онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга доир фаолиятда иштирок этади; имконияти чекланган ёшларга ижтимоий-психологик ва педагогик ёрдам кўрсатади; ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларнинг ижтимоий мослашуви бўйича чора-тадбирлар қўради; ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Янги тахрирда қабул қилинган қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида ургу берилган. Унга қўра, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёш фуқароларни ишга жойлаштириш қўшимча иш ўринлари ва истиқослаштирилган корхоналарни барпо этиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича махсус дастурларни ташкил этиш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларда иш жойларининг энг кам миқдори захирасини яратиш йўли билан таъминланади. Кам таъминланган ёш оилаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам бериш чоралари қўрилиши мумкин.

Иқбол МИРЗААЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари:



— Бугун мамлакатимизда кенг қамровли ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда но-

давлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштироки йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда мамлакатимиз ёшларининг энг йирик нодавлат нотижорат ташкилоти — "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг алоҳида ўрни бор. Ҳозирги кунда Ҳаракат ўз атрофида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 4 миллиондан ортиқ йигит-қизни бирлаштирган. Ташкилот тизимида "Қамолот" ёшлар ташкилоти (10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 2 миллион нафарга яқин аъзоси бор), шунингдек, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ташкил этилган 15 минг 600 дан ортиқ бошланғич ташкилот мавжуд.

Янги тахрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунда ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам аниқ механизмларни тақлиф этаётти.

Хусусан, унга мувофиқ, ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олиши ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган, ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариши ҳамда ҳимоя қилиши, шунингдек, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириши ўзининг асосий мақсадларидан бири деб биландиган, ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотдир.

Давлат ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини моддий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таълим муассасаларининг бинолари, клублари, маданият саройлари ва уйларида, спорт иншоотларидан ва бошқа иншоотлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти ўз мулкида биноларга, иншоотларга, уй-жой фондига, ускуналарга, ашёларга, маданий-маърифий ва соғломлаштириш учун мўлжалланган мол-мулкка, ўз уставида назарда тутилган, фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағларига, қимматли қоғозларга ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин. Ун тўрт ёшга тўлган шахс ёшларнинг нодавлат нотижорат

ташкилоти аъзоси бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотига аъзо бўлиш, аъзоликни йўқотиш шартлари ва тартиби, шу жумладан, ёшга қўра унинг аъзоликдан чиқиш шартлари тегишли нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида белгиланади.

Қонунда, шунингдек, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ёшлар учун ижтимоий хизмат фаолият кўрсатилиши қўзда тутилган. Унга мувофиқ, ёшлар учун ижтимоий хизмат фаолиятининг йўналишлари ёш фуқароларга психологик-педагогик, юридик ёрдам кўрсатиши амалга ошириш ва маслаҳат бериш; имконияти чекланган ёш фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш; ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш; таълим ва меҳнат жамоаларида ёшларнинг қўрсатиши амалга ошириш ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қўмақлашиш назарда тутилган. Ёш мутахассисларга янги иш жойига мослаштириш, уларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни уй-жой билан таъминлашга қўмақлашиш белгиланган. Вояга етмаганлар учун истиқослаштирилган ўқув-таълим муассасаларида ижтимоий ёрдам кўрсатиш; озолиқдан маҳрум этиш жойларида ва истиқослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган ёш фуқароларни ижтимоий мослаштириш масаласига ҳам эътибор қаратилган. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қўмақлашиш; ҳуқуқий ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириши ўзининг асосий мақсадларидан бири деб биландиган, ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотдир.

Давлат ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини моддий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таълим муассасаларининг бинолари, клублари, маданият саройлари ва уйларида, спорт иншоотларидан ва бошқа иншоотлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти ўз мулкида биноларга, иншоотларга, уй-жой фондига, ускуналарга, ашёларга, маданий-маърифий ва соғломлаштириш учун мўлжалланган мол-мулкка, ўз уставида назарда тутилган, фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағларига, қимматли қоғозларга ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин. Ун тўрт ёшга тўлган шахс ёшларнинг нодавлат нотижорат

Давра суҳбатини журналист Арслон ЭШМУРОВО тайёрлади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари ва муассасалари тизимига қўйиладиган қиради: таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; маданият ва спорт ишлари бўйича органлар; меҳнат органлари; прокуратура органлари; ички ишлар органлари; адлия органлари; мудофаа ишлари бўйича органлар шулар жумласидандир.

Адлия вазирлигида

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ фаолиятида фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан, миллий ҳамда хорижий илор тажрибалардан фойдаланиш — одил судловни таъминлаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Адлия вазирлигида Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолияти йўналишлари ва янги лойиҳаларига бағишлаб ташкил этилган "Ўзбекистонда суд криминалистик экспертизасининг ривожланиш истиқболлари" мавзусидаги матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази узоқ йиллардан бери мамлакатда суд экспертизаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фуқаролик, ҳўжалик, маъмурий ва жиноий ишларни юритишда замонавий илм-фан имкониятларидан фойдаланган ҳолда назарий ва амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ушбу даргоҳда суд экспертизаси тадқиқотларининг жаҳон стандартларига мос келадиган замонавий илмий даражада ўтказилиши учун барча шароитлар яратилган. Учрашувда кейинги йилларда амалга оширилган лойиҳалар, йўлга қўйилган экспертиза йўналишлари бўйича далиллар,

Суд криминалистик экспертизаси ривожланиш истиқболлари

маълумотлар ҳақида фикр юритилди. Жумладан, Республика суд экспертизаси марказида 40 та экспертиза турлари бўйича фаолият олиб борилган бўлса, охириги икки йил давомида уларнинг сони яна 4 тага, мутахассислик бўйича эса мавжуд 54 та йўналиш сони 6 тага кўпайди. Хусусан, рақамли технологиялар, шунингдек, электрорастик монтаж белгилари асосида аудио ва видеомагнитофонларни комплекс тадқиқ қилиш, ер участкаларига бўлган эгаллик ҳуқуқлари қийматини баҳолаш, таъши савадо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси, суд-экологик, суд-сиёсатшунослик-лингвистик, суд-филологик экспертизалар каби янги турлари амалиётга жорий этилди. Марказ лабораториясида ўзбек, рус, зарур ҳолларда эса, бошқа тиллардаги фонограмма ва видеоёзувлар ҳам тадқиқ қилиниши йўлга қўйилди. Ушбу услуб асосида бугунгача 150 дан ортиқ экспертиза бажарилди. Маълумки, экстремизм, тер-



роризм асосида содир бўлаётган жиноятлар дунё давлатларини ташвишга солаётган глобал муаммолардан саналади. Мазкур жиноятларга ундовчи ҳолатлар асосан оммавий электрон коммуникация технологиялари воситалари орқали тарғиб қилинаёти. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизасини ўтказиш услуби ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Мазкур йўналишда эксперт тадқиқотларини амалга оширишда асосан терроризм, экстремизм ва диний адоватни кўзга тутиш, мамлакатимизнинг конституциявий тузумига таъжовуз қилиш, жамоат хавфсизлигига таҳдид солишга қаратилган материалларни тарқатиш бўйича фактлар ўрганилади ва ҳулосалар берилади. Бундай янги экспертиза турларининг амалиётда кенг қўлланилаётганлиги тергов органларига жиноятларни очиш, далиллар тўплаш ва уларни илмий асосда мустаҳкамлаш, судлар фаолиятида эса одил судловни амалга ошириш, адолатли қарор

ва ҳукмлар чиқаришда таъсирчан восита бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, анжуман давомида Марказнинг турли йўналишда фаолият юритиб келатган бўлим ва лабораториялар мутахассислари томонидан журна-

листларга суд экспертизаси бўйича эришилган ютуқлар, яратилган имкониятлар ва келгуси ривожланиш истиқболлари оид материаллар тақдим этилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Шаҳар бедарвоза эмас

Яшириб янглишди ёхуд декларацияда кўрсатилмаган тиллалар хусусида

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда тилла ва заргарлик буюмларининг божхона чегаралари орқали ноқонуний тарзда оляб ўттилишига қарши чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Яқинда "Айритом" чегара-божхона комплекси ходимлари томонидан афғонистонлик М.Салимининг (исм-шарифи ўзгартирилган) қинғир ишлари фож қилинди. Республикаимиз ҳудуди орқали хорижга йўл олган ушбу шахс томонидан тўлдирилган йўловчи божхона декларациясидаги маълумотлар асосида унга тегишли багаж ва қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, юклар орасида декларацияда кўрсатилган миқдордан ортиқча салкам 4 килограмм оғирликдаги қўйма тиллалар борлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, Термиз шаҳар судининг ҳукмига биноан айбдорга энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдордаги жарима жазосини тайинлади. Ҳужжатларда кўрсатилмаган 494,5 миллион сўмдан ортиқ қийматдаги салкам 4 килограмм олтин давлат тасарруфига ўтказилди. Эслатиб ўтаимиз, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2014 йил 5 августда 2606-сон билан рўйхатга олинган "Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага мувофиқ, божхона чегараларини кесиб ўтиш пайтида жисмоний шахслар томонидан тўлдирилган йўловчи божхона декларациясининг 5-бандида ҳар қандай қўрғинидаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларнинг миқдори аниқ кўрсатилиши шарт.

Сурхондарё вилоят божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Адлия аралашгач...

Фермер талаби қаноатлантирилди

БУТУН ер ўз эгасини топган. Деҳқонда ерга, мулкка бўлган эғалик ҳисси ортди. Бундай натижаларга эришишида соҳага доир метёрий-ҳуқуқий хужжатларнинг қабул қилинаётганлиги, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қишлоқ мулкдорларига зарур маслаҳат ва ёрдам кўрсатилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан ҳужжалик судларига юздан ортиқ давво аризаси киритилди. Мазкур давво аризалари бугунги кунга қадар қўриб чиқилиб, суд қарорлари асосан қарз, шу жумладан, маънавий зарар ҳамда пеня ва жаримлар ундири-

лиши белгиланди. Хусусан, бошқарма томонидан Навбахор туманида фаолият кўрсатаятган "Акмал Уктам" фермер ҳужалиги раиси Ҳ.Урозовнинг 2015 йил ҳосилидан топширилган пахта хомашёсининг 90 фоизлиги ҳисобидан пул маблағлари тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида "Навбахор пахта тозалаш" МЧЖ томонидан фермер ҳужалигига топширилган пахта хомашёсининг 90 фоизлиги ҳисобидан 10 миллион 159 минг сўм тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича бошқарма томонидан 10 миллион 159 минг сўм асосий қарз ва 731 минг 448 сўм пеня

ундириш тўғрисида ҳужжалик судига давво аризаси киритилди. Натيجида суднинг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, фермер ҳужалиги фойдасига 10 миллион 159 минг сўм асосий қарз ва 500 минг сўм пеня ундириш таъминланди. Хулоса қилиб айтганда, бошқарма томонидан амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар аграр тизимида етакчи кунга айлиниб бораётган қишлоқ мулкдорларининг ўз фаолиятларини эркин ва монеликсиз юриштирилиши, иш қўлими ҳамда иқтисодий салохиятини янада оқсальтиришлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Атхам ЯРҚУЛОВ, Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Ҳуқуқий маслаҳатхона


— ДАВЛАТ ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотга нималар қиради? Уларнинг манбалари борми?

Сарвар АЗИМОВ, Тошкент шаҳри

— "Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар қиради: давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг таркиби ва ҳудудий бўлиналари ҳуқуқий мақомини белгилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш, шунингдек, уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар; давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар; давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар; давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, урашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар; давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг давлат ҳоқимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва

халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар; амалга оширилишида давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари иштирок этаятган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар; давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (ҳудуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суъратини таъсирловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар; давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган (ташқил этиладиган) очик танловлар (тендерлар) ва кимосиди савдолари тўғрисидаги маълумотлар; бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар; давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Ақбар САЙДАХМЕДОВ жавоб берди.



ASAKA BANK advertisement. Title: "Асака" банк. Subtitle: "СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА". Text: "2016 йил "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этади: Шу билан биргаликда "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатлари банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63." Table of branches and phone numbers.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚОРХОНАСИ. Text: "Бошлангич баҳорси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!"

"Invest ko'chmas mulk savdo" МЧЖ бошлангич баҳорси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Text: "Савдога Қўқон шаҳри СИБ томонидан ФВХнинг 04.08.2015 йилдаги 15-1404/9324-сонли икro ҳужжати асосан хатланган Қўқон шаҳри, Т.Малик кўчасида жойлашган 'Лаксима' деб оғлиш маскани" бино иншоотлари, Бошлангич баҳорси — 164 739 604 сўм.

"Farg'ona mulk savdo" МЧЖ бошлангич баҳорси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Text: "Савдога 1. Дангара тумани СИБ томонидан, ФВХ судининг 27.07.2016 йилдаги 15-1506/13850-сонли икro ҳужжати асосан хатланган, 'Рўзиқуллов Ойбек' фермер ҳужалиги тегшли пахта пунктида сақланган, Давлат рақамисиди, и/ч йили номаълум, 'Т-28' русумли трактор воситаси. Бошлангич баҳорси — 11 843 634 сўм.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошлангич баҳорси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Text: "2016 йил 14 октябрь кунини соат 11:00 да тўқсон бунёд утгадиган аукцион савдоларига таклиф этади!"

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошлангич баҳорси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Text: "2016 йил 14 октябрь кунини соат 11:00 да тўқсон бунёд утгадиган аукцион савдоларига таклиф этади!"

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошлангич баҳорси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Text: "2016 йил 14 октябрь кунини соат 11:00 да тўқсон бунёд утгадиган аукцион савдоларига таклиф этади!"

Footer section with "ИНСОН ВА ҚОНУН" logo, contact information, and a small table with numbers 1, 2, 3, 4, 5.